

Германияда овоз кучайтиргичлар орқали азонга рухсат берилди



09:28 / 23.04.2021 1643

Германия ҳукумати Рамазон ойида мамлакат масжидларида азонни овоз кучайтиргичларда чақиришни маъқуллади. Германиядаги Эрон маданият марказининг хабар беришича, мамлакатдаги мусулмонлар бу ҳаракатни мамнуният билан қабул қилишган.

Федерал ҳукумат азонни масжидларда овоз кучайтиргич орқали чақиришни бутун дунёда коронавирус пандемияси авж олган бир пайтда мусулмонларни қўллаб-қувватлаш ишораси деб ҳисоблайди. Ўтган йили Рамазон ойида Германия ва Голландияда 100 га яқин масжидларда азонга рухсат берилган эди.

Хуршид Маъруф тайёрлади